

МУҲАДДИСНИНГ “АЛ-ЖОМЕЪ АС-САҲИХ” АСАРИДА ҚУРЪОН МАЪНОЛАРИНИ ШАРҲЛАШДАГИ УСЛУБИ

Иноятов Азизхўжа Хайруллоевич

“Жўйбори Калон” аёл-қизлар ўрта махсус
ислом таълим муассасаси директори,
исломшунослик фанлари бўйича фалсафа
доктори (Phd)

E-mail: azizxoja.inoyatzoda@mail.ru

АННОТАЦИЯ

“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг турли китоб (бўлим)ларида Қуръонга тегишли хабарларни берилиши ушбу бўлимлар ҳадис ва фикҳ илмига эмас, тафсирга тегишли эканини билдиради. Масалан, “Ваҳийнинг бошланиши”, “Яратилишнинг бошланиши”, “Пайғамбарлар”, “Китоб ва Суннатни маҳкам тутиш”, “Тавҳид”, “Тафсир”, “Қуръон фазилатлари” китоблари.

Калит сўзлар: Имом Бухорий, “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, тафсир, оят, шарҳ, манба, Қуръон, ҳадис, тўплам, илмий мерос, муҳаддис, муфассир.

АННОТАЦИЯ

Предоставление сообщений, связанных с Кораном, в различных книгах (разделах) “Аль-Джаме ас-Сахих” означает, что эти разделы относятся не к хадисам и юриспруденции, а к толкованию. например, книги “Начало Откровения”, “Начало Творения”, “Пророки”, “Исправление Книги и Сунны”, “Тавхид”, “Тафсир”, “Достоинства Корана”.

Ключевые слова: Имам Бухари, “аль-Джам ас-сахих”, тафсир, аят, комментарий, источник Коран, хадис, сборник, научное наследие, мухаддис, муфассир.

ABSTRACT

The provision of messages related to the Qur'an in different books (sections) of “al-Jame' as-sahih” means that these sections are not related to hadith and jurisprudence, but to interpretation. for example, the books “Beginning of Revelation”, “Beginning of Creation”, “Prophets”, “Fixing the Book and Sunnah”, “Tawheed”, “Tafsir”, “Quran's Virtues”.

Keywords: Imam Bukhari, “al-Jame' as-sahih”, tafsir, ayat, commentary, source, Koran, hadith, collection, scientific heritage, muhaddis, mufassir.

Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ёки “Саҳиҳи Бухорий” номлари билан шуҳрат қозонган асарининг тўлиқ номи Имом Нававий нақл қилишига кўра, “ал-Жомеъ ул-муснад ус-саҳиҳ ул-мухтасар мин умури Расулиллаҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмиҳи” дир¹. Ушбу мухтасар ва кенг тарқалган ном асар муаллифининг кўзлаган мақсади ҳамда таркибидаги масалаларни тўлиқ қамраб олагани ва мазмунини ифодалашини билан боғлиқ саволлар асрлар давомида олимлар орасида турли фикр ва мулоҳазалар билдирилишига сабаб бўлиб келган. Мана шу нуқтаи назардан китобнинг номи борасида қуйидаги тадқиқотлар олиб борилган:

а) Калободий², Ибн Атийя³, Қози Иёз, Ҳофиз ибн Хойр, Ибн Салоҳ ва Нававий каби уламолар “Саҳиҳи Бухорий”нинг номи “ал-Жомеъ ал-муснад ус-саҳиҳ ал-мухтасар мин умури Расулиллаҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмиҳи” эканига иттифоқ қилган. Аллома Бадриддин Айний ҳам ушбу фикрга таянган⁴.

б) Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний ушбу асарни “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ал-муснад мин ҳадиси Расулиллаҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмиҳи” деб номлаган⁵.

Бир гуруҳ олимлар асар номидаги “умур” сўзи Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадиси сўзидан кўпроқ нарсани қамраб олишини айтганлар ва “муснад”ни “саҳиҳ”дан олдинга қўйиш дақиқроқ маъно касб этади, деб ҳисоблаганлар. Бу ҳолда асарнинг номи “ал-Жомеъ ал-муснад ус-саҳиҳ ал-мухтасар мин умури Расулиллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва сунаниҳи ва айёмиҳи” бўлади. Аммо Абдулфаттоҳ Абу Ғудда: “Ҳофиз (Ибн Ҳажар) келтирган номда камчилик бор. Дақиқлик ва тугаллик кейингилар зикр қилган номда акс этган. Кейингилар келтирган ном дақиқ ва кенг қамровли. Ҳофиз роҳимаҳуллоҳ буни зеҳни (бошқа) нарса билан машғул вақтда ёзган бўлса керак. Чунки у имом, забтли, моҳир, мукамаллик чўққисида бўлган. Ундан бу каби нарса ўтиб кетиши мумкин эмас. Баъзан, зеҳнга ноаниқ нарса келиши ва шу туфайли унинг забт - мустаҳкамлиги заиф саналиши мумкин”, дея қайд этган⁶.

¹ Имом Нававий. Таҳзиб ал-асмо ва-л-луғот. – Ж. 1. – Б. 217.

² Калободий. Рижал саҳиҳ ал-Бухорий. – Ж. 1. – Б. 24.; Ибн Атийя. Фихрист. – Б. 45.; Қози Иёз. Машариқ ал-анвор. – Ж. 1. – Б. 36.; Ибн Хойр. Фихрист. – Б. 94. Ибн Салоҳ. Муқаддима. – Б. 24-25.; Нававий. Саҳиҳ ал-Бухорий. – Б. 7.; Таҳзиб ал-асмаа вал-луғот. – Ж. 1. – Б. 73.

³ Ибн Атийя. У Абдулҳақ ибн Ғолиб ибн Абдулрахмон ибн Атийя Ғарнотий. Машхур муфассир ва фақиҳ (481-542 хижрий саналарда яшаган). ал-Аълум. – Ж. 3. – Б. 282.

⁴ Умда ал-қорий. 1/5. Ушбу фикрга кейинги олимлар ҳам қўшилганлар. Масалан: Абдулғаний Абдулҳолиқ. Ал-Имом Бухорий ва саҳиҳуҳ. – Б. 139.; Доктор Наззор Абдулкарим. Ал-Имом Бухорий – фақиҳ ал-муҳаддисин. – Б. 111.; Абдулфаттоҳ Абу Ғудда. Таҳқиқ исмай ас-саҳиҳайн ва исм Жомеъ ат-Тирмизий. – Б. 9.; Доктор Нуриддин Итр. Ал-Имом ат-Тирмизий. – Б. 41.; Доктор Тақийуддин Надавий Мазоҳирий. Имом Бухорий ал-ҳофиз вал-муҳаддисийн. – Б. 83.; Доктор Маҳмуд Таҳхон. Ат-Таҳриж ва дироса ал-асанид. – Б. 111.

⁵ Ибн Ҳажар Асқалоний. Ҳадй ас-сорий. – Б. 7.

⁶ Қаранг: Абдулфаттоҳ Абу Ғудда. Рисола фи таҳқиқ исм ас-саҳиҳайн. – Б. 11.

“Муҳаддислар султони” унвони соҳиби Имом Бухорий нафақат ҳадис илмида, балки тафсир соҳасида ҳам машҳурликка эришган. Машҳур фикристчи олим Ҳожи Халифа хулосаси кўра, муҳаддис тафсирга бағишланган “ат-Тафсир ал-кабир” (“Катта тафсир”) номли асари ҳам бўлган, бироқ бугунги кунга қадар етиб келмаган¹.

Имом Бухорийнинг тафсир илми билан боғлиқ қарашлари турли олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Мадинаи мунавварадаги Уммул Қуро университети тадқиқотчиси Ҳамд Имом ибн Хатарий ўзининг “Манҳажул Имом ал-Бухорий фи ат-тафсир мин хилал китобиҳи ас-саҳиҳ” (“Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” китобидаги тафсир бўйича йўналиши”) тадқиқотида, шунингдек, Бағдод Ислоҳ университетида Муҳаммад Ҳамд Ивод ал-Ҳошимий “Манҳажул Имом ал-Бухорий ат-тафсирий фи саҳиҳиҳи” (“Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ” китобидаги тафсир услуби”)да тадқиқотида Имом Бухорийнинг тафсир илмига оид қарашлари ўрганилган.

Ибн Ҳажар Асқалоний “Жомеъ” китобидан алоҳида (тафсирга оид) китоб ажратган². Шайх Муҳаммад Фуод Абдулбоқий Имом Бухорийнинг “Ғариб ул-Қуръон”га бўлган эътибори ҳақида китоб таълиф қилган³.

Ҳадис асарларида мустақил тафсир бўлимларини ажратиш анъанасини Имом Бухорий бошлаб берган. У билан бир даврда яшаган Муслим “Саҳиҳ”ида “Тафсир” номли етти бобдан иборат кичик ҳажмдаги бир бўлим ажратилган. Кейинроқ Имом Термизий “Сунан”ида, Имом Насоий ҳам “ас-Сунан ал-кубро”сида тафсир бўлимларини очганлар.

Буюк муҳаддислар пешвоси ҳисобланган Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”ида тафсир илмига оид ҳадисларни тўлиқроқ жамлашга ҳаракат қилган. Жумладан, алоҳида тафсирга бағишлаган “Қуръон тафсири китоби” бобида, “Фотиҳа” сурасини тафсир қилиб, унда Абу Саид ибн Муаллодан ривоят қилинган Қуръоннинг энг улуғ сураси “Фотиҳа” экани тўғрисида ҳадис келтирган.

Имом Бухорийнинг саҳиҳ ҳадислар тўпламида ривоятларнинг ишончлилиқ даражасига қўйган шартларини айнан тафсирга доир хабарларда ҳам татбиқ қилган. Олим бошқа муҳаддислардан фарқли равишда “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”ида ўз шахсий қарашларини боб мавзуларида келтирган. У бобларга қўйиладиган номлар аслида ҳадис ривояти мазмунини акс эттирган ҳолда, тузилиш хусусиятларига кўра ҳадислар жамланган ушбу китобида ўз қарашларини баён

¹ Уватов У. Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожига тутган ўрни (Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий): Тар. фан. док. ... дисс. – Т.: ТИУ, 2001. – Б. 98-99.

² Шоқир Абдулмунъим. Ибн Ҳажар ва мавааридуҳу фи ал-исоба. – Б. 156.

³ Шайх Муҳаммад Фуод Абдулбоқий. Муъжам алфоз ал-Қуръон. – Байрут: Дор ал-маърифат, 2000.

қила олиш имконияти мавжудлигидан фойдаланган. Муаллиф асарининг тафсир бўлимида ҳам ўз услубидан келиб чиқиб, боб мавзуларида тушунчаларнинг изоҳига оид маълумотларни берган. Изоҳлар билан бир қаторда, оятларнинг тушунилишига хизмат қиладиган тафсир ривоятларини ҳам нақл қилган.

Имом Бухорий “Китоб ат-тафсир”ида боб мавзуларида берган маълумотларни “тушунчаларга берилган изоҳлар” билан “боб мавзуларида нақл қилган тафсир ривоятлари” шаклида таҳлил қилиш мумкин. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг ушбу хусусияти Имом Бухорийнинг тафсир бил-маъсур йўналишидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатмоқда. Шунингдек, муҳаддис сифатида олимнинг ҳадис тўпламининг таркибига тафсирни киритгани ҳамда баъзи ўринларда луғавий маъноларга эътибор қаратиб, филологик изоҳлар қолдиргани эътиборга моликдир.

Турк тадқиқотчиси Фуад Сезгин, Имом Бухорийнинг бевосита тил китобларидан иқтибос ёки тафсир ривоятларини санадсиз шаклда нақл қилиш йўли билан тақдим қилган маълумотларни “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг тахминан 1/5 ини ташкил қиладиган таълиқ тарзидаги ривоятлардан, деб ҳисоблаган. Унга кўра, Имом Бухорий ривоят қилишни лойиқ топмаган ҳадисларни санадларининг ҳаммасини ёки бир қисмини тушириб қолдириб, кўпинча “қола” сўзи билан нақл қилган. Олим Қуръон оятларининг маънолари ва тафсирига оид китобида баъзи бобларнинг ичида биронта ривоят нақл қилмасдан, фақат боб мавзуларида тафсир ривоятларини келтирган¹.

“Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”нинг деярли ҳар бир бўлимида мавжуд луғавий изоҳлар кўп ҳолларда Абу Убайданинг “Мажозул Қуръон” асари билан Фарронинг “Маъоний ал-Қуръони”дан олинган. Фуад Сезгин бу икки тилшунос олимнинг Имом Бухорийга таъсири, хусусан, улардан қилган нақлларнинг хусусиятлари бўйича илмий тадқиқот олиб борган. Тадқиқотчи “Имом Бухорийнинг манбалари” номли ишининг охирида мусаннифнинг ушбу икки асардан келтирган нақлларини алоҳида ажратиб берган.

Имом Бухорий асарда бобларнинг мавзуларида оятларнинг тушунилишига ёрдам берадиган тафсир ривоятларини нақл қилган. Мазкур ривоятлар бевосита оятларнинг изоҳини кўзлаган Расулulloҳ (с.а.в.)дан, саҳобий ва тобейлардан келган маълумотлар шаклида таърифланган. Фақат бундай маълумотларни Имом Бухорий тушунчаларга берган изоҳларида умумий яхлитликни кўрсатиш мақсадида мисоллар келтириш орқали зикр қилган.

Имом Бухорий “Китоб ат-тафсир”да ҳадислар тўпламининг бошқа бўлимларидан фарқли равишда ривоятларни маълум бир боб мавзулари остида

¹ Sezgin F. Buhârî'nin Kaynakları. – Ankara: Kitâbiyât, 2000. – S. 147.

тўпламагани, балки тафсирларда бўлганидек, оятлар тартибини асос қилиб олган. Олим ривоятларни келтирган ҳолда, очиқ шахсий изоҳ ва баёнга таянмаган. Имом Бухорийнинг ҳар бир оят лафзи ва жумлалар маъноси ҳамда мақсадларини батафсил очишни қатъий қасд қилмаганини боб номлари, изоҳсиз қолдирилган жойлар орқали англаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Sandıkcı S. Kemal. İlk Üç Asırda İslâm Coğrafyasında hadis // DİB. – Ankara, 1991. – S. 447-448.
2. Ибн Абу Ҳотам Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамимий Ҳанзалий Розий. ал-Жарҳ ват-таъдил. – Байрут: Дор ал-кутуб алимия, 1953. – Ж. 5. – Б. 162.
3. Олтин силсила: Саҳиҳул Бухорий. – Т.: Nilolnashr, 2013. – Ж. 1. – Б. 65.
4. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зуннун ан асомий алкутуб вал-фунун. – Байрут.: Дор ихё ат-турос ал-арабий, 2008. – Ж. 1. – Б. 443.
5. Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Холку афъал ал-бад. / Абдуррахмон Умайра таҳқиқи. – Жидда: Дор ул-Укоз. – Б. 23.
6. Абу Бакр ибн Абдураззоқ ибн Нофеъ АлҲумамайрий. Тафсир Абдураззоқ / Маҳмуд Муҳаммад Убда таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1419/1998.
7. Selim Türcan. İlk Dönem Kur'an Tasavvuru ve Dönüşümü. Kimlik ve Kitâb İlişkisi Bağlamında. – Ankara: AÜSBE, 2007. – S. 305–306.
8. Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Жомеъ ул баён ған таъвили айил-Қуръан./ Аҳмад Муҳаммад Шокир таҳқиқи. – Байрут: Муассасату-р-рисала. 1420/2000. – Ж. 19. – Б. 94-95.
9. Мужоҳид ибн Ҳажар. Тафсир ал-Имам Мужаҳид ибн Ҳажар. Дор ул-кутуб ал-илмия. – Байрут. 2005.
10. Sufyan ibn Said Sevriy. Tefsir us-Savriy. – Dehli: Rampor, 1965. – P. 16.
11. Абдураззоқ ибн Ҳаммом Саноний. АлМусаннаф. – Қоҳира: Дор ат-таъсил, 2015. – Ж. 9. – Б. 78.
12. Абдуллоҳ ибн Абдуссомад Доримий. Муснад ад-Доримий.– ар-Риёд: Дор ал-Муғни, 2000. – Ж.4. – Б. 274.
13. Zişan Türcan. Üçüncü As ır Hadis Musannefât ı Üzerinde eş-Şâfiî'nin Etkisi // Hadis Tetkikleri Dergisi. C. VII/1, 2009. – S. 87–100.
14. Хатиб Бағдодий. Ал-Жомеъ ли ахлақи-р-ровий ва адабу-с-соеъ. /Маҳмуд Таҳхон таҳқиқи. – ар-Риёд: Мактабату-л-маориф, 1983. – Ж. 2. – Б. 162.
15. Суютий. Ал-Итқон. – Ж. 2. – Б. 189.
16. Herbert Berg. The Development of Exegesis in Early Islam. The Authenticity of Muslim Literature from the Formative Period, Richmond)Surrey(. – Curzon, 2000. – P. 142.
17. İsmail Cerrahoğlu. Tefsir Tarihi. DİB. – Ankara: Yay, 1988. – C. I. – S. 107.